

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV  
XO'JALIGI VAZIRLIGI HUZURIDAGI SUV  
XO'JALIGI KAPITAL QURILISH  
LOYIHALARINI AMALGA OSHIRISH  
AGENTLIGI  
SIRDARYOSUVQURILISHINVEST" DAVLAT  
MUASSASASI



ГОСУДАРСТВЕННОЕ УЧРЕЖДЕНИЕ  
“СИРДАРЁСУВҚУРИЛИШИНВЕСТ”  
АГЕНТСТВА ПО РЕАЛИЗАЦИИ  
ПРОЕКТОВ КАПИТАЛЬНОГО  
СТРОИТЕЛЬСТВА ВОДНЫХ РЕСУРСОВ  
МИНИСТЕРСТВА ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Sirdaryo viloyati Guliston shahri  
Xondamir ko'chasi-127 uy  
Tel:225-11-30, факс:225-14-75, sir.invest@minwater.uz

АТБВ «Turon» Guliston shaxri  
x/r 20203000100529237001  
МФО:00368 ИНН:200322986

«24» *Феврал* 2022 yil

№ 31-01/ 1

Guliston sh

### Техник топширик

“Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги “Дўстлик” канали бўйида барпо этилган хиёбонга янгидан 2 дона мелиоратив тик дренаж кудуғини куриш” объектига бирламчи лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва объект яқунлангунга қадар муалифлик назорати олиб бориши (кафолатланган) таъминлаш шарт.

“Сирдарё сув қурилиш инвест”  
ДМ директори



*Д.Исламов*

Д.Исламов

**“Sirdaryo viloyati Guliston shaxridagi “Dustlik” kanalini  
bo’yida barpo etilgan xiyobonga yangidan 2 dona meliorativ tik drenaj  
qudug’ini qurish” obyektini bo’yicha loyixa-tadqiqot ishlarining qiymatini  
aniqlash  
XISOBI**

<b>№</b>	<b>Obyekt nomi</b>	<b>Loyixa-smeta xujjatlarini tuzish qiymatini aniqlash</b>
1	<b>“Sirdaryo viloyati Guliston shaxridagi “Dustlik” kanalini bo’yida barpo etilgan xiyobonga yangidan 2 dona meliorativ tik drenaj qudug’ini qurish”</b> <i>(quvati: 2,0 dona)</i>	O‘zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligining loyixa-tadqiqot ishlarining qiymatini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi nizom. 1) Ilova-3 Obyektning murakkabligi, 3 -kategoriya 2) Ilova-3: K=5,0 % 3) Obyektning qurilish qiymati : 700 000 000 so‘m.(QQS bilan) 4) Loyixa-smeta ishlari qiymati (QQS siz): $608\ 695\ 652 * 5,5 = 30\ 434\ 783$ so‘m. 5) Loyixa-smeta ishlari qiymati (QQS bilan): $30\ 434\ 783 * 1,15 = 35\ 000\ 000$ cym.
2	<b>Jami</b>	Loyixa-smeta xujjatlarini tayorlash uchun qiymati <b>35 000 000 cym.</b>


**“Sirdaryosuvqurilishinvest”  
davlat muassasi direktori**




**D.Islamov**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**“Сирдарё сув қурилиш инвест”**

**ДМ бош муҳандиси,**  
**Харид комиссияси раиси**

 **С.Жалилов**



***Объектни бирламчи лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб***

***чиқиш бўйича харид ҳужжатлари***

**Гулистон - 2022**

## 1. Танлов предмети:

1.1 "Сирдарё сув қурилиш инвест" ДМнинг Гулистон шаҳридаги "Дустлик" каналининг бўйида барпо этилган хиёбонга янгидан 2 дона мелиоратив тик дренаж кудугини қуриш объектини бирламчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун.

1.2 Танлов нархи : 35 000 000 (уттиз беш миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

1.3 Объектнинг бирламчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларига (1-илова) қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот ёки корхона билан етказиб бериш шартномаси тузилади.

1.4 Объектнинг бирламчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 (ун беш) кун этиб белгиланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. "Сирдарё сув қурилиш инвест" ДМ (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) –танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри Хондамир 127 уй.

Эл.адрес: [sir.invest@minwater.uz](mailto:sir.invest@minwater.uz)

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар утказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.

2.3. Танлов "Буюртмачи"нинг амалдаги Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- Давлат руйхатидан белгиланган тартибда ўтган, юридик мақомга эга корхоналар;
- Юқорида қўрсатилган маҳсулотни ишлаб чиқарувчиси, ёки ишлаб чиқарувчи корхонанинг дилерлиги тўғрисида маълумотга эга бўлиши;
- Давлат руйхатидан ўтганига 3 йилдан кам бўлмаганлиги тўғрисида маълумотга эга ташкилотлар;
- Харид қилиниши режалаштирилаётган ўлчов асбоб-ускуналарига стандартлаштириш муассасалари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини тақдим қилиш;
- Ижрочи ташкилот томонидан етказиб берилаётган асбоб-ускуналарнинг техник ҳужжатларни (маҳсулот паспорти, мувофиқлик сертификати, сифат сертификати, синов далолатномалари) тақдим қилиши;

- харид қилинаётган маҳсулотга, ҳамма харажатлари қўрсатилган ҳолда (етказиб бериш, божхона тўловлари, ортиш ва тушуриш ва х.к.), тижорат таклифини бериши.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (~~ажратилиши, қўшилиши, тугатиш ёки банкротлик~~) арафасида турган корхоналар;
- суд жараёнларида бўлган корхоналар;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд корхоналар;
- маъсулиятсиз етказиб берувчиларнинг руйхатида турган корхоналар;
- банк ҳисоб рақамида К-2 картотекаси мавжуд бўлган корхоналар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон қўринишда (PDF форматда) ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришлари шарт.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига қўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм буюртмачи томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар қўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ қўрсаткичлар қўрсатилган бўлиши керак.

#### 4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАР ЛИГИ

5.1. Амалдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари тўғрисида қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи аниқлангандан сўнг, қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

### 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.4 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

*1 (илова) Объектни бирламчи лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича харид ҳужжатлари*

“Сирдарё сув қурилиш инвест”  
давлат муассасаси бош муҳандиси

С.Жалилов

Лойихаларни бошқариш ва қурилшни  
техник қузатиш бўлими бошлиғи

А.Умматов

Молиялаштириш ва хўжалик-шартнома  
муносабатлари бўлими бошлиғи

А.Маматов

Бош ҳисобчи

А.Кенжаев

Бирламчи руҳсат берувчи, лойиха ва танлов  
ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бош мутахассиси

А.Босимов

## Танлов иштирокчисига бажарилиши шарт булган

### КРИТЕРИЙЛАР

№	Номи	Балл	Батафсил маълумот
1	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ишчи-ходимлар)	20 балл	Лойиҳа ташкилотининг иш тажрибасига эга бўлган мутахассислари тўғрисида маълумотнома бўлиши шарт
2	Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари, салоҳияти (жумладан, тўловга кодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот.	20 балл	Лойиҳа ташкилотининг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилиши шарт (солиқдан қарздорлик, охириги 1 йиллик иш ҳажми ва бошқалар)
3	Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти	20 балл	Солиқдан қарздорлик маълумотномаси киритилиши шарт
4	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 2 йиллик иш тажрибаси	20 балл	Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажарганлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилади.
5	Танлов иштирокчисининг лицензия ва гувоҳномаси қурилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома	20 балл	Лойиҳачи ташкилотнинг рўйхатдан ўтканлик тўғрисидаги тасдиқловчи лицензияси ҳамда гувоҳномаси талаб этилади
	<b>жами</b>	<b>100 балл</b>	

Харид комиссиясининг котиби

 У.Ражабов